



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Тураханов Ақром Абдуллахақимович

Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ  
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ-ТАКТИК  
КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ

**Аннотация:** Мақолада чақиріққача ҳарбий таълим йўналиши кадрларини тайёрлаш, уларнинг билим ва малакаларини оширишда ва профессионал касбий фаолиятга тайёрлашда акмеологик ёндашувнинг самарадорлиги ва унинг аҳамиятли жиҳатлари тадқиқ қилинади. Шу билан бирга акмеологик ёндашувнинг педагогика фанлари доирасидаги вазифаси, кадрларни тайёрлашдаги методикаси таҳлил қилинган. Бу ишларни амалга оширишдан олдин акмеологик ёндашувнинг мазмун-моҳияти, луғатларда тарифланиши ва педагогик-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Калит сўзлар:** акмеологик, ижодийлик, ҳарбий-техник билим, жисмоний-тактик тайёргарлик, касбий маҳорат, профессионаллик, ҳарбий таълим.

Бугунги кунда бўлажак кадрларни тайёрлашда ва уларнинг касбий юксалтиришда акмеологик ёндашувнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу орқали уларни юқорига йўналтириш, тизимли ва изчил равишда камолотга йўлтириш ишларига алоҳида урғу берилмоқда. Айниқса чақиріққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларини жанговар-тактик кўникмаларини акмеологик ёндашув асосида ривожлантириш ва бу орқали уларнинг касбий тайёргарлигини профессионал даражага олиб чиқиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бунинг учун аввало акмеология ва акмеологик ёндашув тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириб олиш керак бўлади. Акме – юксак даража деган маънони англатади. Акмеологик ёндашув эса, инсон ва жамоаларнинг ўз тараққиётида юксак даражага эришишини ўрганувчи ёндашув ҳаисобланади. Демак, акмеологик ёндашув фанлараро моҳиятга ва ўзаро ҳамкорликка боғлиқ ҳисобланади.

Акмеологик ёндашувдан фойдаланишнинг асосий мақсади - мавжуд ҳар қандай қийинчилик ёки муаммолардан чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабасининг ўзи мустақил равишда чиқиб кета олиши, унда жисмоний-тактик сифатлар шундай ривожлансинки, ҳатто ўзи мустақил равишда профессионал мутахасис сифатида фаолият юрита олишини таъминлаш ҳисобланади.

Тадқиқотчи олим Н.В.Кузмина фикрича, «максимал етуқлик индивид, шахс ривожининг чўққиси ва индивидуал фаолият билан боғлиқ экан, ана шу чўққи юнончада «акме» дейилади ва бу соҳа акмеология деб юритилади. Шу билан бирга, «акме»да инсоннинг фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар ҳам назарда тугилади. Жумладан, шахснинг «юлдузли» онлари ёки шунга яқин жараёнлар. Яъни, бирор-бир соҳада эришган олий ютуқлари»ни ҳам акмеологик ўсиш сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Акмеологиянинг илмий муомалага кириб келишига асос солган психолог Б.Г.Ананев, «инсоннинг руҳий билиш ривожини марказида дастлабки ва сўнгги онтогенез, «четроқда» эса инсоннинг кўпроқ ижодийроқ, самаралироқ ижтимоий-фаол ҳаёт фазаси бўлиши мумкин», дейди. «Замонавий илм-фанда инсоний юксакликларнинг «акме» категорияси билан боғлиқ бир неча талқинлари мавжуд. Жумладан, биринчи, «акме» — бу қисқагина ҳаёт кесимини қамраб олсада, кўп қиррали ҳолат бўлиб, инсоннинг ҳар доим жамиятда қанчалик ўз ўрнига эга эканлиги, унинг бирор-бир соҳа мутахассиси сифатида олиб бораётган салмоқли фаолияти, шахс сифатида эса уни ўраб турганлар билан олиб борган ижтимоий алоқасида қанчалик бой ёки қашшоқлиги, турмуш ўртоқ ва ота-она сифатида тайёрлик даражаси ҳилан бир қаторда яхши томонга ўзгара олиш даражаси ва энг яширин эзгу қобилиятларини ҳам кўрсата олиш даражасига ҳам боғлиқдир»[1].

Бугунги кунда дунёда «тинчлик» деган сўз ва, «осойишталик» деган тушунча ғоят омонат бўлиб қолганига, бу борада кечаги вазият, кечаги таҳлил ва прогнозлар бугунга тўғри келмакётгани жамиятда жанговарлик руҳини ривожлантириш заруратга айлангирмоқда. Сўнгий йилларда чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик тайёргарликни ривожлантиришнинг самарали механизмлари ишлаб чиқиш ишлари бошлаб юборилди, бу борада техник ва технологик воситаларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш тизими йўлга қўйилди. Мисол учун, ҳарбий соҳа хизматчиларида ва аскарларда жанговарлик кўникмаларини, масъулиятини ривожлантириш мақсадида турли ҳарбий-спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда. «Мустақиллик», «Амир Темур», «Жалололдин Мангуберди» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун», «Мардлик» медаллари таъсис этилди. Айниқса, ёшларда жанговарлик руҳини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий академик лицейларга «Темурбеклар мактаби» номи берилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[2] давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг бешта устувор йўналишларидан бири «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний

бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат» қилиб белгиланганлиги ҳам жамиятда ҳарбий соҳа вакилларининг жанговарлигини ошириш ва уларда тактик тайёргарликни ривожлантириш билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ушбу тадқиқот иши асосида чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантириш орқали уларда ҳарбий ҳаракатларга шайлик, тезкорлик, турли вазиятларда оқилона ҳаракатланиш, тактик ҳаракатларни тузиш ва йўлга қўя олиш билан бирга фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳисси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодини, касбий маҳоратини шакллантириш мақсад қилинди ва бу мақсадни амалга ошириш учун махсус методологик вазифалар белгилаб олинди. Бу вазифалар орқали жанговар-тактик кўникмаларни ривожлантириш, она - юрт тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўришимизни тақозо қилмоқда.

Шу муносабат билан таълим муассасалари чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик таълимни тизимли ташкил этиш, бу ишларни фаоллаштириш ва юксак даражага кўтариш талаб этилади. Демак, ўзлигини англаган, тарихий хотираси бутун, мустақил фикрлайдиган инсон ўз ватанига сотқинлик қилмайди, балки ватан манфаатини ҳамма нарсадан улуғ тутиб, унинг учун жон беришга тайёр ҳарбийларда жанговарлик сифатлари юқори бўлади. Бу эса чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида Ватан ҳимояси чиндан ҳам вазифа, балки шарафли бурчга айланиб боришидан яққол даолат беради.

Ҳозирги муоммоларига бой даврда чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида юксак инсонийликка асосланган чинакам жанговарлик туйғуларини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари тўғрисида янада чуқурроқ ўйлаш тактик ва стратегик мақсадларимиз сирасига киради. Жанговарлик руҳияти ҳарбийдан сабрли, чидамли, қатъиятли, матонатли, жасурлик ва мардлик фазилатларига эга бўлишни шарт қилиб қўйиш орқали у моҳиятан инсоннинг кундалик майда ташвишлардан улуғворликка олиб чиқади. Яъни талаба ўзининг жанговарлик характери орқали худбинона Ватанни севишдан, Ватан олдидаги ахлоқий бурчини англашга ўтади, улғаяди. Дунё миқёсида халқаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка қарши таҳдидлар Ўзбекистонда ҳарбий хизматчиларни жанговарлик кўникмаларини янада кучлироқ шакллантиришни ижтимоий заруриятга айлантормоқда. Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жанговарлик руҳиятини ривожлантириш орқали ижтимоий дунёқарашда миллий ғурур, ор-номус каби ахлоқий меъёрлар мустаҳкамланади. Мамлакатни асраб-авайлаш, унинг шухратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчалар, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабалари қалби ва онгига сингдириш орқали Ўзбекистоннинг садоқатли фуқароларини тарбиялаш давлатимизнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Мамлакатнинг барқарорлиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маданий, ахлоқий, маиший, технологик, ахборот каби омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мавжудлиги асосида шаклланади. Булар, биринчи галда, мамлакатнинг ижтимоий-

сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий муаммоларини ечиш ва мақсад сари йўналтиришга қаратилгандир. Мазкур тизимнинг шаклланиши иккиламчи диалектик жараён бўлиб, унда мураккаблик, кенг қамровлилик ва зиддият каби қонуниятлар ўз ифодасини топган. Барқарорлик тизими ташкилий жиҳатдан табиий интеграцияга таяниб, фуқаролик жамияти ва давлатнинг тинчлиги юзасидан мақсадли йўналтирилган усул ва воситалар асосида муаммоларни ўзаро манфаатдорликда ечишга қаратилгандир. Бунда Қуролли Кучларнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга моликдир. Чунки унинг асосий вазифаси мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Шунинг учун, етук ҳарбий хизматчи шахсини тарбиялаш муҳим вазифалардан ҳисобланадики, бу бевосита ҳарбий таълим-тарбия жараёни билан боғлиқдир. Гарчи ҳарбий техника ва қурол-яроқлар асосий ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилса-да, бизга яхши маълумки, ҳар қандай мукамал ҳарбий техника ёки қурол-аслаҳаларнинг мавжудлигига қарамасдан, уларни бошқариш учун ҳарбий хизматчилар шахси, жангаворлик сифатлари, тактик имкониятлари асосий ўринда туради, яъни инсон омили ҳал қилувчи асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур масала, ўзига хос ҳарбий-сиёсий аҳамиятга молик, стратегик характердаги вазифалардан бири ҳисобланиб, етук ҳарбий хизматчиларни амалиёт учун тайёрлаш, уларга замон талаблари даражасида фан ва техниканинг ютуқларидан мукамал фойдаланган ҳолда таълим-тарбия беришни тақозо этади. Ватан ҳимоячилигини ўзи учун касб сифатида танлаганларнинг ҳарбий тайёргарлиги ҳамда касбий тарбиясига илмий нуқтаи назар асосида ёндашиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантиришда ўқитиш-тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Таълим-тарбия жараёнида қобилият даражасини юқорироқ ривожланиш даражасига ўтказиш учун энг оқилона шароитлар яратиш мумкин. Бунинг учун, биринчидан, чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларини ижтимоий-сиёсий муаммоларни моделлаштириш, илмий услублар ёрдамида тизимли таҳлил қилишга ўргатиш керак, иккинчидан илмий-ижодий фаолиятига қизиқтириш зарур, учинчидан ўқув ва ижтимоий вазифаларни ҳал этишда кўпроқ фаоллик ва мустақиллик кўрсатишлари учун уларга имконият бериш лозим.

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантириш орқали бўлажак кадрларда ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат. Бу борада давлат сиёсати даражасида ҳам кўплаб ишлар ва ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «дунёдаги энг юксак стандартлар даражасида ташкил этилган узлуксиз ҳарбий таълим тизими изчил ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда янгитдан тузилган, моҳият эътибори билан ноёб бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти мамлакатимизнинг замонавий олий таълим муассасалари қаторидан муносиб жой эгаллади»[3]. Ҳарбий таълим-тарбия мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, уни амалга оширишнинг анъанавий, замонавий услуб ва воситалари мавжуддир. Ҳарбий тизим доирасида таълим-тарбиянинг турлари ҳам талайгина бўлиб, уларни бир биридан ажратилган ҳолатда олиб бориб бўлмайди. Агарда тизим доирасида унинг қўлланиши ҳуқуқий асосига суянсак, ўзига хос бир тарзда педагогик номувофиқлик вужудга келади.

Чунки, биринчидан, ҳар қандай тарбиявий жараён буйруқ асосида амалга оширилади, иккинчидан, тарбиявий жараёнда ноанъанавий усулларни қўллаш учун ҳеч бир услубий ва амалий қўлланма мавжуд эмас.

Ҳарбий таълим-тарбия тизимида талабаларда жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш, жанговарлик руҳиятини ошириш ва тактик тайёргарликни ривожлантиришга алоҳида урғу берилиши керак. Чунки ҳарбийлик фаолиятининг мазмуни ва мақсади мана шу кўрсаткичнинг шаклланганлик даражаси асосида таркиб топади. Шу сабабли, ҳарбий хизматчиларни жисмоний-тактик тайёргарлигини ошириш таълим-тарбия иши бўйича масъуллар, офицерлар олдида турган улуғвор, масъулиятли вазифа бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда, ҳарбий хизматчилар ўртасида жимоний тайёргарлик кўникмаларини ривожлантириш учун уларда илмий изланиш, ҳуқуқий саводхонлик, бурч ва масъулиятни чуқур ҳис қилиш, поклик, ҳалоллик, фидойилик, меҳнатсеварлик, ижодий ташаббускорлик, ишбилармонлик, иймон, инсоф, диёнат, миллатпарварлик, инсонпарварлик, ҳақиқатгўйлик, садоқатлилик, шижоат, ботирлик сингари фазилатларни шакллантириш лозим. Шунинг учун, ҳарбий-маърифий йўналишда ўтказилажак машғулотларда ва тадбирларда илмий педагогика ва психология фанинг ютуқларига таянган ҳолда тренинглари, таълимий суҳбат ва учрашувлар, кечалар ва илмий-амалий конференциялар ўтказиш тавсия этилади.

Чақирикқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида ҳарбий-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантиришда қуйидагиларни чуқур ўрганиш ва билиш талаб этилади:

- ўз Ватанини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституцион бурчини билиш;
- Республика муҳофаазини келгусида кучайтириш масалалари бўйича Ҳукумат қарорлари билан танишиш;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари билан ҳал қилинадиган масалаларни, уларнинг вазифаси ва хусусиятларини англаш;
- Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий Низом талабларини ўрганиш ва ўзлаштириш;
- ҳарбий, ҳарбий-техник билимлар ўрганишда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ва ёш аскарни тайёрлаш доирасида эгаллаш;
- ўтган ота-боболаримиз ҳарбий масалаларга оид анъана ва удумларини тарғибот қилиш.

Қуйидагилар чақирикқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараённинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- чақирикқача ҳарбий таълим йўналиши талабларини миллий ривожланиш стратегияга ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;
- қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, Ватан мустақиллиги ва равнақи йўлида

фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

- миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук кадрлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;
- чақирикқача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши туришда кенг дунёқарашни шакллантириш;
- ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига, жанговарлик руҳиятига ва тактик тайёргарлик кўникмаларига эга ҳарбийларни тарбиялаш;
- Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали сингдириб бориш.

Умуман олганда, тарбия олдида турган асосий мақсад ўсиб келаётган авлод онгида кекса авлод доно тажрибасини сингдириш, инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, Ватан ва миллат олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш, қонунларга риоя этиш фазилатларини қарор топтиришдан иборатдир. Зеро, «айни вақтда Қуролли Кучларимиз сафларида ва бутун жамиятимизда миллий руҳни кучайтириш, дунёдаги энг улуғ ва олийжаноб иш бўлган Ватан ҳимоячиси сифатида ўзининг муқаддас йигитлик бурчини адо этаётган аскар ва офицерлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни самарали олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда»[4]. Демак, чақирикқача ҳарбий таълим талабаларида ҳам миллий руҳни ривожлантириш, миллий ғуруни тарбиялаш орқали улардаги жисмоний-тактик тайёргарликни мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

### Адабиётлар

1. Бодалев А.А. Вершина в развитии взрослого человека: характеристики и условия достижения. Москва.: Наука. 1998. –С. 5.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.398
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.128.